O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**ЭНГ КАТТА ОРЗУИМ – МЕНГА ИШОНГАН ОДАМЛАРНИНГ ОМОНЛИГИ, ЮРТИМНИНГ ТИНЧЛИГИ.**

**Ислом КАРИМОВ**

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 25 – 27 (3255–3257) 1999 йил 5 март, жума

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## 9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида

**Уруш фахрийлари, иштирокчилари ва урушда қурбон бўлганларнинг оилаларидан тушаётган кўплаб илтимоснomaларни, халқимизнинг, жамоат ташкилотларининг билдираётган хоҳиш-иродасини инобатга олиб, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганларнинг, мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғлонлари хотирасини абадийлаштириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида:**

1. 9 Май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтимиз марказида Хотира майдони ташкил этиш, ушбу майдон қурилишини 1999 йилнинг 20 апрелигача тугаллаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3. Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланишини таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, идора ва корхоналарнинг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг ор-номус, виждон иши ва маънавий бурчи деб белгилансин. Фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч-қувватини аямаган бирор бир фахрий, бирор бир киши унутилмаслиги керак. Уларнинг ҳар бирига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши шарт.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоят ҳокимликлари Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида шундай Хотира майдонларини бунёд этиш режасини ишлаб чиқсинлар ҳамда уни амалга ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Хотира ва Қадрлаш куни билан боғлиқ тадбирлар юксак ахлоқий-маънавий савияда ўтказилсин, фахрийларга, Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилганларнинг барчасига моддий ёрдам кўрсатилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси мазкур масала юзасидан ўн кун муддат ичида Қарор тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 март

## 8 МАРТ: АЁЛЛАР ЙИЛИДА АЁЛЛАР БАЙРАМИ





**— БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, ОЙИЖОН!**

**Бўстонлиқ тумани ИИБ Чорвоқ ШМБ паспорт хизмати инспектори, милиция капитани Турсуной Исманова Ҳасан-Ҳусан ўғиллари билан.**

**А. САПАРМАТОВ олган сурат.**

Бош муҳаррир минбари

## СИЗГА ТАЪЗИМ ВА ЭҲТИРОМ

Ўсмирлик чоғимда она юраги ҳақидаги ривоятни ўқиганим ҳамон ёдимда. Бир йигит сулув қизга ошиқ бўлиб қолади ва муҳаббат изҳор қилиб, унга уйланмоқчи эканлигини айтади. Қиз эса бунга жавобан қаҳ-қаҳа отиб кулганча учта шарти борлиги, уларни бажарсагина турмушга чиқишга розилигини билдиради. Дастлабки икки шартни йигит уддалайди. Қиз учинчи шарт — она юрагини келтиришни амр этганда эса йигит қаттиқ изтиробга тушса-да, она кўксини ёриб, юрагини юлқиб олади ва кафтида ақлҳуши ва онасидан жудо қилган қизга олиб кета бошлайди. Йўлда бехосдан бир нарсага қоқилиб, йиқилиб тушади. Шунда она юраги тилга кириб:

– Ёмон йиқилмадингми, ҳеч қаеринг лат емадими, болам, – дейди.

Жафокаш оналаримиз одатда ана шундай яшашади, ўзлигини унутиб, жонини қурбон қилиб бўлса-да, зурриёти униб-ўсиши, бахтли ҳаёт кечириши учун фидойилик кўрсатади.

Келгуси ҳафтанинг бошида кенг нишонланадиган Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида муҳтарама онажонларимизга ҳурмат-эҳтиром билан таъзим қиламиз.

Мустақил юртимиз тарихида илк бор ушбу байрамни Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Аёллар йилида тантана қиламиз. Шунинг ўзи хотин-қизларимизнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги роли тобора ошиб бораётганини кўрсатиб турибди. Бинобарин, бугунги кунда жамиятимизда оналаримиз, опасингилларимиз намуна бўлмаётган соҳанинг ўзи йўқ. Кўплаб аёлларимиз ички ишлар идораларида ҳам меҳнат қилишаяпти. Улар ўз фаолиятлари давомида тез-тез ҳуқуқбузарлар билан юзма-юз келишларига қарамай ҳаётга гулгун боқишлари ва нафисликлари билан биз – эркакларни руҳлантириб туришади.

Аёллар қаерда меҳнат қилишмасин, қайси бир лавозимда ишлашмасин, улар учун оила, болаларга ғамхўрлик, келгусида мустақил Ватан ҳимоячилари бўлган ёш авлод тарбияси асосий вазифа бўлиб қолаверади.

Аёллар йилида амалга оширилаётган барча бунёдкорликлар Инсон манфаатлари ва Оила йилидаги яратувчилик ишларининг мантиқий давомидир. Шу боис, юртбошимиз республика Конституцияси куни муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида “Инсон, Оила, Аёл каби тушунчаларни бир-бирисиз алоҳида тасаввур этиб бўлмайди”, деб алоҳида таъкидладилар.

Биз аёлларимизнинг оиладаги мавқеи қай даражада эканлигини яхши биламиз. Айниқса, уларнинг ўз ҳаётини таҳликага қўйиб, ҳамюртларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари оиласида тутган ўрни беқиёсдир.

Меҳрибон, доно ва гўзал аёлларимиз бизни доим қўллаб-қувватлаб туришса, ўзимизни ҳар қандай қийин ва мураккаб вазифаларни бажаришга қодир сезамиз.

Президентимиз айтганидек, донишмандларнинг Ватан сиймосини доим она сиймосига тенглаштиришида катта маъно бор. Аёлларимизни ҳаёт шамчироғи, гулга қиёслаш билан оилани, Ватанни эъзозлаймиз. Ҳар биримизда эса Ватан она каби ягонадир.

Аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни кундан кунга ошиб бормоқда. Ҳаёт шуни кўрсатдики, бола руҳиятига она сути билан она Ватани – жонажон Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуси сингган оилада мустақил юртимизнинг муносиб фуқаролари етишиб чиқади. Улар нечоғли пок, ҳалол, ақлли, виждонли ва адолатли бўлишлари эса оиладаги тарбияга боғлиқ.

Бизнинг келажагимиз – болаларимиз эса айнан ана шундай камол топишлари лозим. Акс ҳолда фарзандларимизнинг ғўрлигидан душманлар фойдаланиши, улар ёшларни жиноят кўчасига бошлашларини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеалар ва оқибатда бегуноҳ одамларнинг вафот этгани бунга мисолдир.

Ҳаёт давом этмоқда. У жуда гўзал. Муҳтарама аёлларимиз ҳам гўзалликда беқиёсдирлар. Уларга ушбу қутлуғ кун арафасида бахт-саодат, улкан омадлар тилаймиз.

БАХТЛИ ОИЛА ТАБРИКЛАРИ 9
Охунжон Мадалиев оиласи «Постда» мухлисларини қутлайди

МЕНИ КЕЧИРИНГ, ДАДАСИ 10
Яна рашк ҳақида

MUNAJJIMLAR BASHORATI 12

ЧАЙНВОРД

ОЙНАИ ЖАҲОН дастурлари тўлалигича – фақат бизнинг газетамизда!

## БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР



Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш масаласи даврнинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Ҳамма ерда бўлганидек, ички ишлар идоралари учун ҳам етук малакали кадрлар зарур. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти милиция ходимларининг билимини ошириш, ҳар жиҳатдан етук касб эгаси бўлишига имкон яратиш учун бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Ўтган йили Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасида ўрта ва кичик бошлиқлар учун бошланғич тайёрлов ўқув маркази ташкил этилиши фикримизнинг далилидир. Бу марказ 90 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўтган йилнинг охирги чорагида дастлабки машғулотлар бошланди.





Ўқув марказида ўқитувчилар билан биргаликда ИИБ бўлим ва бўлинмаларининг бошлиқлари, тажрибали мутахассислар ҳам машғулотлар ўтаётганлари дарсларнинг қизиқарли бўлиши билан бирга тингловчиларнинг касб сирларини пухта ўрганишларига яқиндан ёрдам бермоқда.

Жорий йилнинг январь ойида ўқув марказининг дастлабки тингловчилари битирув имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, ишлаш учун жойларга йўлланма олдилар.

Ўқув маркази иш бошлади, олдинда амалга ошириладиган ишлар талай. Вилоят ИИБ раҳбарияти яқин йилларда спорт зали, ётоқхона ва бошқа зарурий биноларни ҳам қуриб, фойдаланишга топшириш режаларини тузишган.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратларда: ўқув маркази фаолиятидан лавҳалар.**

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИИБ ХАБАРЛАРИ

Вилоят ИИБ мажлислар залида йиғилиш бўлиб ўтди.

Дастлаб Термиз Давлат университети кафедра мудири, филология фанлари доктори Холмирзо Холёров сўз олиб, мамлакатимизда рўй берган қўпорувчилик ҳаракати тўғрисида гапирди. Шундан сўнг Президентимиз Ислом Каримовнинг 16 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида 1998 йил якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳақида сўзлаган нутқи ёзилган видеокассета намойиш қилинди.

Йиғилишда бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Қ. Бобоқулов, бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги А. Қазиев, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция майори С. Пўлатовлар сўзга чиқиб, бугунги кунда вилоят ички ишлар идоралари ходимлари олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг «Халқ сўзи» рўзномасида чоп этилган «Халқ ичига киринг» сарлавҳали мақоласи хусусида сўз борди.

Йиғилиш сўнггида барча шаҳар, туман ички ишлар ходимларига мурожаатнома қабул қилинди.

**С. АБДУВОҲИДОВ.**

* * *

Вилоят ИИБ спорт залида баскетбол бўйича Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси кубоги учун вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида мусобақа ўтказилди. Беллашувлар якунига кўра ички қўшинлар жамоаси биринчи, Термиз шаҳар ва Қизириқ тумани ИИБ жамоалари иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолибларга вилоят «Камолот» жамғармасининг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

**С. ТОШБОЕВ.**

## ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Ички ишлар идораларида кўплаб хотин-қизлар хизмат қилишади. Гарчи хизмат масъулиятли ва мураккаб бўлса-да, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўз касбига содиқ фидойиларга тасаннолар айтгинг келади. Шундайлардан бири Фаина Искандаровадир. У 1981 йилдан бери ички ишлар идораларида хизмат қилиб келаяпти. Бугунги кунда ички хизмат капитани Баҳодир Усмонов бошчилик қилаётган жазони ижро этиш муассасасида бўлим бошлиғи.

— Педогогика билим юртини битиргач, ички ишлар идоралари сафида ишлаш орзуси туғилди, — дейди Фаина.

— Оддий назоратчиликдан бўлим бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтдим. Кўпинча маҳкумларнинг йиғма жилдини тайёрлаш, Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармонлари ижросини таъминлаш вазифаларини ўз вақтида амалга ошириб борамиз.

Кўзга чалинмайдиган, аммо игна билан қудуқ қазишдек мураккаб соҳада хизмат қилиш иродангни тоблайди. Фаина ўзига бириктилган вазифаларни бекаму кўст бажаради. Ўзининг хушмуомалалиги билан шахсий таркиб ўртасида иззат—икромга лойиқ.

— Аёл қаерда ишламасин, у меҳрибонлиги, юксак одоби ва ширинсуханлиги билан ўз гўзаллигини сақлаши керак,— дейди Фаина.

Тўғри-да, донишмандлар: «Ердаги барча гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфайли келган» дейишган.

Фаина Искандарова меҳрибон она, фарзандларини маънавий баркамол етук инсон қилиб тарбиялаган. Касбга фидойилик инсон руҳиятини тоблайди, хизматга рағбат уйғотади. Бу Фаинанинг шиоридир.

**Ў. ХАЙДАРОВ.**

## ЁНҒИННИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ, БИРОҚ...

Ҳаёт тасодифларга тўла деб бежиз айтилмаган. Шундай бўлмаса, Тошкентдаги «Чинобод» санаторийсида дам олаётган қариндошини кўргани борган Тошкент Давлат маданият институтининг декани, профессор Эркин Худойбердиев ва санаторий ёнидаги кўчада, автобусда ўз иши билан кетаётган Юнусобод туман ИИБ 1-ШМБ ходими милиция лейтенанти Алишер Хушмуродовлар тасодифан юз бериши мумкин бўлган катта ёнғиннинг олдини оламиз деб ўйлаганмидилар?

Санаторийдан чиқиб келаётган Э. Худойбердиев кўчанинг нариги бетида жойлашган «Тошшаҳарқурилиш»нинг 1-уй қуриш комбинати 2-қурилиш бошқармасига тегишли усти шифер билан ёпилган узун бинонинг четидан чиқаётган оловни кўриб «тинчликмикин?» дея бораётганида йўлда тўхтаган автобусдан милиция лейтенанти ҳам тушиб келди ва икковлон овоз бериб, бошқарманинг очиқ эшигидан ичкари кирдилар. Ҳовли қоронғу, деворга ёпишган, том тагидаги электр тақсимлагичдан чиқаётган олов йўғон кабель бўйлаб шифер томга интиларди. Гувиллаб ёнаётган олов зум ўтмай ёғоч тўсин ва шиферларни ўз комига олиши, фожиа юз бериши аниқ. Ғира-шира кўзга ташланиб турган «Ёнғинга қарши кураш» тахтасини пайпаслаб кўрдилар — ҳеч вақо йўқ. Улар ҳартугул ердан бир уюм қум топдилар ва... ҳовучлаб оловга қум ота бошладилар. Шу пайт «наҳот санаторийда ҳам телефон бўлмаса» деб гапирганича ўғлининг ўрнига қоровулликда турган У. Ибрагимова кириб келди ва «ҳашарчи» ўт ўчирувчи Э. Худойбердиев, А. Хушмуродовларнинг талаби билан қаердандир белкураклар топиб келди. Икковлон алангани ўчириб турган пайтда шаҳар ИИБ ЁСББнинг навбатчиси, ички хизмат подполковниги А. Қўлдошев, Юнусобод туман ИИБ 6-БҲЎҚ бошлиғининг муовини, ички хизмат капитани Б. Юнусов бошчилигидаги ўт ўчирувчилар — сержант А. Нурмаханов, кичик сержант И. Мўминов, бўлинма сардори катта сержант С. Азимов, катта лейтенант М. Мўминов ва бошқалар келиб ич-ичидан тутаб ётган тўсинларни ўчириб, ёнғинни бутунлай бартараф қилдилар.

Афсуски, санаторий дарвозаси ёнида турган анчагина эркак ёнғин ва уни ўчирувчиларга томошабин бўлдилар, холос... Ана шундайларга қарата «дунёни сув босса, ўрдакка не ғам» десалар керак...

**Ўз мухбиримиз.**

# Жиноят-қидирув хизмати воқеалари

### ДИВАН «ИНГРАЯПТИ»

Асатулланинг изидан қидирув бошланганига бир ойдан ошган эди. Уни таниганлар бошқа шаҳарга кетиб қолган дейишганди. Тасодифан яна Тошкентда пайдо бўлиб қолибди. Вақт ғанимат, уни шу куни қўлга олинмаса, яна қочиб кетиши мумкин.

Тезкор гуруҳга бошчилик қилиб, ўзим бордим. Асатулла яшайдиган уйга қўйилган пойлоқчи уни хонадонига кириб кетганини билдирди. Секин-аста тўртинчи қаватга кўтарилиб бордик. Негадир эшик дарров очила қолди. Хонадон соҳибаси, муддаомизни эшитгач, Асатуллани қарғай кетди:

— Эр бўлмай, қаро ерга кирсин. Уч ой бўлди, хабар олмайди, қўни-қўшнилардан нон олишга қарз сўрайвериб, безор бўлдим.

У бизнинг тинтувимизга ҳатто қаршилик ҳам кўрсатмади. Икки хонали уйни яхшилаб тинтиб чиқдик. Хотин эса жаврашдан тинмасди.

— Қайтиб келса, бир соат ҳам уйга қўймайман деб ҳамма кийимини ахлатга ташладим, ҳатто ўзим олиб берган пайпоқ ҳам қолмади.

Мен аёлни тинчлантирмоқчи бўлиб, бир-икки марта, ўзингизни босинг, эшитган қўшнилар безовта бўлмасин дедим. У бироз тинчигандай бўлардида, яна жаврай кетарди.

Ваннахонани текшириш ниятида у ерга кириб пойлоқчи билан рация орқали боғландим. У биз келмасдан олдинроқ бир эркакнинг ярим яланғоч бўлиб, балконда бир-икки кўринганини айтди.

Қидирмаган жойимиз қолмади. Бир томони ҳеч нарса тополмаганимиздан куюнардим, иккинчи томони аёлнинг тинмай гапираверишi бошимни оғритиб юборди. Нима қилишни билмай оғир тин олиб, катта хонадаги диванга ўтирдим. Диван тагидан чиққан овоз мени сергаклантирди. У на ёғочнинг ғичирлашига, на пружинанинг ғийқиллашига ўхшарди. Мен ўтирган жойимда ўзимни бир-икки кўтариб-ташладим. Энди диван тагидан росмана инграган овоз келди.

Ҳамроҳ ҳамкасбларим Маъруф Мамарасулов, Рустам Аҳмаджоновлар ҳаракатимни тушуниб, диваннинг юмшоқ қисмини кўтардилар. Ярим яланғоч Асатулла кўзларини юмганча ётарди. Мен унинг айнан бошига ўтирган эканман...

### «ЎЛЖА» ЎЗ ОЁҒИ БИЛАН КЕЛДИ

Ибн Сино мавзесида биз қидираётган, жиноят қилиб, қочиб юрган йигитнинг пайдо бўлганини эшитиб йўлга чиқдик. Милиция лейтенанти Рустам Аҳмаджонов, милиция капитани Маъруф Мамарасулов билан бир машинада бораётиб, ёқилғи қуйиш жойида бензин олиш учун навбатга турдик. Машиналар навбат билан келиб, бензин олиб чиқиб кетяпти. Машиналарнинг чиқиш йўлидан тартибни бузиб, кириб келган «Нексия», «Запорожец» автомашинасининг олдига кўндаланг туриб олди-да, навбатсиз бензин олмоқчи бўлиб олдинга интилди. «Запорожец» ҳайдовчиси, кекса ёшдаги киши, уни тартибга чақирмоқчи бўлганди, унга ўдағайлаб, туртиб юборди. Жамоат тартибини сақлаб турган милиция ходими келиб, йигитни навбатга туришини, айтди. Барзанги йигит милиция ходимига ҳам ўшқира кетди. Маъруф билан Рустамни ёрдам беринглар, деб юбордим. Бу орада машинани олдинга бироз сурдим.

Ҳозиргина ҳаммадан устун келиб, навбатсиз бензин олмоқчи бўлаётган ҳалиги барзанги Маъруфнинг кетидан қўлини кўксига қўйиб, нималардир деб эгилиб келарди. Улардан сал олдинроқ келган Рустам эшикни очди. Ҳалиги йигит машинага ўтирди, Маъруф чаққонлик билан унинг қўлига кишан солди. Рустам менга унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини кўрсатди. Қарадиму, кўзларимга ишонмадим. Биз икки йилдан бери қидираётган, «Эски жўва» бозорида безорилик қилиб, икки-уч кишини уриб тан жароҳати етказган Олим ўз оёғи билан келиб қолганди...

**Худойқул БАРАТОВ,**
**Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, милиция майори.**




# Muqaddas dargoh Malikalari



# BOLALARIMIZ FAQAT KULSIN

***Жиноят бу тубсиз жарликдир. У ўз домига ёшидан қатъи назар катта-ю кичикни бирдек тортаверади. Саксон икки яшар чолнинг кампирини рашк қилиб, саксон яшар дўстини ўлдириб қўйганини эшитиб, ҳайратга тушасан. Ҳали 12 ёшга кирмаган болакай эса қўшнисининг товуғини ўғирлаб қўйиб, жиноят содир этганини билмасдан ҳўнг-ҳўнг йиғлайди. Олтмишга яқинлашган онахон эса бойлик деб, тўрт нафар фарзандини гиёҳванлик моддаси сақлаш ҳамда сотиш билан шуғуллантирган. Балоғат ёшига етмаган қизчанинг нопок, ҳаёсиз кимсалар қўлига тушиб, ҳаёти ҳазон бўлганидан ғазабланасан...***

Хизмат юзасидан Урганч шаҳар ИИБ катта терговчиси, милиция майори Гулнора Рўзметова билан учрашиб қолдим. Суҳбатимиз яна ўша жиноятлар қурбони бўлаётган инсонлар ҳақида борди.

— Мана, ўн тўрт йилдирки, терговчи вазифасида ишлаяпман, — дейди у бироз ўйга толиб. — Меҳнат фаолиятим мобайнида ҳаёт сўқмоқларида адашиб қолган юзлаб кишилар билан суҳбатлашганман. Уларнинг тақдири, турмуш шароитлари билан танишганман. Улар орасида анча кексайиб қолган инсонлардан тортиб, ёшгина ўғил-қизларгача бор. Аввалига бизга насиҳатлар беришга ҳақли бўлган бундай ёши улуғ отахону, онахонларни сўроқ қилишга ботинолмайсан. Лекин начора, хизматчилик. Айниқса, ўғирлик, безорилик қилган болакайларнинг кўнглига қулоқ тутсанг, танинг жунбушга келади. Улар «Билмасдан ўғирлабман. Энди сира бундай қилмайман. Мени уйимга қўйиб юборинг. Онамнинг олдига боргим келаяпти...» дея тинмай кўз ёш тўкишади. Юзларини тинмай ювaётган кўз ёшларни кўриб, юрагинг зирқираб кетади. Ҳали ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари нима эканлигини билиб улгурмаган бу ёшгина болаларнинг тақдирига ачинасан. Ўз фарзандлари келажагига бефарқ қараётган ота-оналарга кўзингизни очинг дегим келади...

Инсонлар тақдирига синчков назар ташлаётган суҳбатдошимнинг сўзларини диққат билан тингладим. Фикри аниқ, дунёқараши кенг. Жамоада ҳурмат-иззати ҳам чакки эмас. Ҳамкасбларидан бири: «Гулнора ўз ишига ниҳоятда пухта» деса, иккинчиси: «Жуда талабчан терговчи» дейди. Учинчиси эса: «Аёллиги учун бўлса керак, эркаклардан кўпроқ, самаралироқ ишлашга ҳаракат қилади», дея таъриф беради.

— Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди, — дейди у биз билан хайрлашаётиб. — Унинг биринчиси иккинчисига йўл очади. Шу боис, сира-сира бефарқлик қилиш мумкин эмас. Айниқса, жамоатчилик ёрдами бу борада жуда зарур. Қолаверса, ҳар бир жиноятчи қонун талаблари даражасида жазоланмоғи керак. Токи, уларга берилган жазо бошқаларга ибрат бўлсин!

**Худойберган ЖАББОРОВ,**

**Суратда: Урганч шаҳар ИИБ катта терговчиси, милиция майори Гулнора Рўзметова қизи Нодира билан.**

**Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.**

## AYOLLAR YILIGA BAG'ISHLANDI

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ички ишлар идораларида хизмат қилувчи ходимларнигина эмас, уларнинг оила аъзолари саломатлигини ҳам мустаҳкамлаш мақсадида турли спорт тўгаракларири, машғулотларини йўлга қўйганлар. Мунтазам фаолият кўрсатувчи бу тўгаракларда хизматчиларнинг оила аъзолари ўзлари танлаган спорт тури бўйича жисмонан тобланадилар. Баҳор фасли арафасида ҚР ИИВ ички ишлар идоралари ходимлари орасида бўлиб ўтган «Ота, она, болалар» деб номланган спорт мусобақаси Аёллар йилига бағишланди. Унда ота-оналар ва 14 ёшгача бўлган фарзандлар спортнинг кўпкураш тури бўйича беллашдилар. Томошабинларнинг ҳаяжонли олқишлари остида ўтган бу мусобақада биринчи ўринни ҚР ИИВ ЖҚБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Эркин Ражабоевлар оиласи, 2-ўринни ички хизмат старшинаси Ойбек Еломоновлар оиласи, 3-ўринни эса Нукус шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлимининг ходими, милиция старшинаси Баҳодир Жахсимовлар оиласи эгаллаб, вазирлик ва соғломлаштириш спорт ишлари хизматининг махсус соврин ва эсдалик совғаларига эга бўлдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

## BAXTLI OILA TABRIKLARI

*Милицаларнинг оналарини, рафиқаларини, қизларини ва албатта милиса қиз-жувонларни юрак-юрагимдан баҳор байрами билан табриклайман.*

*Илоҳим, ҳар бир оиладан менинг ўғлимдек ашулачи бўлмаса-да, бошқа касбларда машҳур фарзандлар етишиб чиқсин. Ҳамма оналар мен каби фарзандларининг камолини кўриб, бахтли бўлишсин. Ҳаммангизга бахт тилайман.*

**Охунжон МАДАЛИЕВнинг онаси,**
**80 ёшли Турғуной буви.**
**Олтиариқ тумани Янги Араб қишлоғи.**

***

«Постда» рўзномаси
муштарийларига
юртимизнинг азиз
Онажонларига ва
Ватанимиз осойишталиги
посбонларининг гўзал
аёлларига — Бахт,
Соглик, тинчлик
тилаб 8 март
байрами билан
табриклайман.
Н. Охун.
1999



* * *

Менинг Эсожон Абдуллаев исмли укам милицияда ишлайди. У газетангизнинг ашаддий мухлиси ва доимий обуначиси. Онамларникига борганимда «Постда» газетасини кўп марта ўқиганман. Ҳозир ҳам ўқиб бораман. Мен оғир ва шарафли касбда ишловчи аёл-милиционерларни жуда ҳурмат қиламан. Байрам билан уларнинг барчасини, оналарини ва милиция ходимларининг жуфти ҳалолларини табриклайман.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов катта ҳурмат кўрсатиб бу йилни Аёллар йили деб эълон қилди. Бундай ҳурмат, ўйлайманки, бизнинг юртда холос.

Милиция ходимларининг аёллари қўшиқчи, машҳур одамларнинг рафиқаларидек бардошли, ҳар хил гап-сўзларга учмайдиган ҳушёр аёллар деб ўйлайман. Уларга оилавий бахт, тотувлик тилайман. Шунингдек, «Постда» мухлисларини ҳам байрам билан қутлайман. Илоҳим, юртимиз тинч бўлсин. Аёлларни ҳурмат қилган юрт доимо гуллаб-яшнасин!

**Ҳабибахон МАДАЛИЕВА,**
**Олтиариқ тумани Янги Араб қишлоғи.**

**Хушовоз хонанда Охунжон Мадалиев билан суҳбатни газетамизнинг кейинги сонларида ўқишингиз мумкин.**

*Gazetada bosilmasa ham...*

## ISH HAQI TO'LIQ TO'LANDI

***Таҳририятимизга Наманган вилояти Мингбулоқ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасининг собиқ ходими, автоҳалокат натижасида ҳалок бўлган милиция кичик сержанти Аъзамжон Турғуновнинг умр йўлдоши Дилором Турғуновадан мактуб келган эди. Унда ёзилишича, бўлинма томонидан турмуш ўртоғининг иш ҳақи тўлиқ тўланмаган ва ёш қолган болаларига нафақа белгиланмаган.***

Ушбу хат юзасидан тегишли чора кўришни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Қўриқлаш Бирлашмаси ихтиёрига ҳавола этган эдик. Бирлашма бошлиғининг муовини, милиция полковниги Э. Каримов имзоси остида олинган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

«Фуқаро Дилором Турғунованинг хати атрофлича ўрганиб чиқилди. Мингбулоқ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасида ҳақдорлик қарзлари йиғилиб қолганлиги туфайли ходимларга, шу жумладан, А. Турғуновга ойлик иш ҳақлари 2—3 ойга кечиктириб берилган. 1999 йил 20 январь куни фуқаро Д. Турғуновага турмуш ўртоғига тегишли бўлган иш ҳақлари тўлиқ тўланди.

Марҳум милиция ходими А. Турғуновнинг ёш қолган фарзандларига нафақа белгилаш бўйича барча зарур ҳужжатлар тўпланиб, вилоят ИИБ молия-иқтисод бўлимига тақдим этилди. Болаларга нафақа белгилаш ишлари яқин кунларда амалдаги қонунларига мувофиқ ҳал қилинади.»

